“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати”, “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида жамиятга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти” ҳамда Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси” бўйича ўтказилган семинар тренинг

Б А Ё Н Н О М А С И

2024 йил 25 июнь **Тошкент шаҳри**

“Autosanoat agro lizing” масъулияти чекланган жамиятнинг комплаенс хизмати мутахассиси, ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис ҳамда юридик бўлим бошлиғи томонидан, 2024 йилнинг 15 апрель, 24 май ва 20 июнь кунларида, жамиятда қабул қилинган Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсат, Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида жамиятга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти ҳамда Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси мавзусида ZOOM орқали семинар тренинг ўтказилди.

Иштирокчилар: “Autosanoat agro lizing” МЧЖ
Комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев,
Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова,
Юридик бўлим бошлиғи Ш.Ражабов.

Таклиф этилганлар: “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг барча (Тошкент шахридаги бош офис ҳамда вилоятлардаги минтақавий филиаллар) ходимлари.

1. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати.

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев олиб борди. Семинар тренингда мазкур сиёсат бўйича қуйидаги тушунтиришлар берилди.

Мазкур Сиёсат Жамиятда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш ҳамда бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Жамиятнинг Кадрлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлинмалар (кейинги ўринларда – Кадрлар бўлими деб юритилади) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Мазкур Сиёсатда қўлланилган асосий тушунчалар:

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ходимининг шахсий манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – Жамият томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш;

реал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

Махфий ахборот - фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларига ва (ёки) Жамият ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ахборотлар каби тушунчалар билан таништирилди.



Шунинг билан бир қаторда:

ҳалол ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, битимларни виждонан тузиш, мавжуд ёки кўзга ташланган (сезиларли) манфаатлар тўқнашувини ахлоқий тартибга солиш;

- амалдаги қонунлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;
- амалдаги қонунчилик ёки ушбу Сиёсат бузилганлигининг ҳар қандай ҳолати тўғрисида тезкор ички хабар бериш;

- Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- шубҳали хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш.
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;
- ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;
- потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;
- манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;
- агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;
- учинчи томон ташкилотларига маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатиш;
- бошқа ташкилотларда улушларга эгалик қилиш ва молиявий манфаатдорлик;
- жамиятнинг бошқа ташкилотида директор ёки юқори даражали раҳбар вазифасини бажариш;
- яқин қариндошлар ёки ходим билан яқиндан шахсий муносабатлари мавжуд бўлган шахслар билан тижорат битимлари;
- жамиятнинг манфаатларига путур етказган ҳолда, бошқа ташкилотга бизнесни ривожлантириш имконини бериш;
- бизнес қарорини қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиш/бериш;
- сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби махфий ахборотни Жамиятнинг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш.
- Масъул таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари Жамият ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Сиёсатда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.
- Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари.
- Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш.
- Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари.
- Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотни ошкор қилиш.
- Шунингдек, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, барча ходимлар, ушбу Сиёсатнинг талабларига риоя қилиши, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Жамиятга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланиши масалалари тушунтирилди.

2. “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш” регламенти

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингда комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев томонидан мазкур регламент бўйича тушунтиришлар берилди.

Мазкур Регламент, жамиятда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг

самарадорлигини ошириш, ходимларга таъқибдан қўрқмаган ҳолда хавотир ва муаммолар юзасидан хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.



Ушбу Регламент учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

ишонч телефони – Жамиятга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

қонунийлик – Жамият алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Жамият ходими хабарнинг мазмунидан қатъий назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди. Виждонан “ишонч каналлари”дан фойдаланганларга нисбатан бирон-бир душманларча хатти-ҳаракатларин

амалга оширадиган, уларни таъқиб қиладиган ёки таъқиб қилишга уринадиган Ходимлар меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиладилар;

хабарларнинг ҳалол ниятларда етказилиши – шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш ва "ишонч каналлари"ни рағбатлантириш жуда муҳимдир. Ўз навбатида, маълумотлар ҳалол ва виждонан ҳамда хабардорлик асосида етказилиши керак. Қасддан сохта хабар юбориш, муаммо ёки хавотир ҳақида ғаразли ниятлар билан хабар бериш Кодексга зид бўлиб, ушбу Регламент бузилган ҳисобланади.

Коррупцияга оид ҳаракатлар ёки қоидабузарликлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (https://pm.gov.uz/) орқали ва ходимлар тўғридан-тўғри ўзларининг раҳбарига, Комплаенс хизматига, Юридик ёки Ходимлар ва иш юритиш бош мутахассисига хабар юборишлари мумкин.

Шунинг билан бирга, онлайн тарзда Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал, электрон почта ва саҳифалари (E-mail: info@aaleasing.uz), телефон рақамлари (71-207-10-73; 71-207-10-75) ҳамда жамиятнинг телеграм боти (https://t.me/autosanoatagrolizing) орқали, шунингдек жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш, ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар ва мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали мурожам қилиниши мсумкин.

Жамиятнинг Комплаенс хизмати, Жамиятнинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул эканлиги, хабарни юборган шахс томонидан хабарда кўрсатилган қоидабузарликка аралашган шахснинг исми, лавозими ва/ ёки ишлайдиган бўлими, қоидабузарлик содир бўлган сана ҳамда мурожаат натижаларини белгиланган тартибда етказиш имкониятига эга бўлиши учун мурожаатчиларнинг алоқа маълумотлари кўрсатилиши кераклиги айтилди.

Алоқа каналларидан келиб тушган хабарлар, ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низом ва Жамиятнинг мавжуд жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олиниб резолюция учун Жамият раҳбарига чиқарилиши тушунтирилди.

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Комплаенс хизмати бош мутахассиси масъул ҳисобланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати бош мутахассиси мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Жамият раҳбарига киритади.

Жамият раҳбари томонидан тегишли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Комплаенс хизматига топшириқ туширилиши ва Комплаенс хизмати томонидан кўриб чиқилиши тартиблари билан таништирилди.

Мазкур олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар, маъмурият ва ҳужжатлар ижроси назорати бошқармасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши кераклиги айтиб ўтилди.

Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилиши маълум қилинди.

3. "Autosanoat agro lizing" масъулияти чекланган жамиятининг бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш процедураси

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингда комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев томонидан мазкур процедура бўйича тушунтириш берилди.

Бизнес ҳамкорни текширишнинг мақсадлари: жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;



инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Бизнес ҳамкор билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилишдан иборат.

Ходимлар, потенциал контрагентлар кимлигини ва улар бизнесни қандай қилиб юритишини тушунишлари, агар Бизнес ҳамкорлар коррупцияга қарши қонунчилик талабларини бузгани ҳолда жамият уларнинг хатти-ҳаракатлари учун, ҳатто агар жамият уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида билмаган бўлса ҳам жавобгар бўлиши мумкин ва жиддий молиявий, ҳуқуқий ва обрўси билан боғлиқ зарар кўриши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар сафар янги ёки мавжуд бўлган контрагент билан шартнома имзоланганда, унинг ишончлилиги (due diligence) бўйича тегишли текширув ўтказилиши лозим.

Ушбу Процедура: ҳар сафар Бизнес ҳамкорни танлашда, Бизнес ҳамкор билан қўшимча келишув тузилганда ва амалдаги Бизнес ҳамкор билан муносабатларнинг моҳияти ўзгаргани ҳолда тадбиқ этилиши баробарида, расмий махсус ахборот портали орқали амалга оширилиши шарти билан электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган харидлар ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилинаётган ҳолда тадбиқ этилмайди.

Шунингдек, текширув: коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар; Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин.

Мазкур процедура учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг "Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатида амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъий назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Давлат хизматчиси - давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;

Бизнес ҳамкор (контрагент) – Жамият билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

махфий ахборот – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

Комплекс текширув (Ишончлилик/ «Due Diligence» текшируви) - Бизнес ҳамкорлар билан амалий ҳамкорликнинг бошланиши ҳақида қарор қабул қилишдан олдин кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёни. Текширувнинг асосий мақсади Бизнес ҳамкорларнинг малакаси, обрўси ва ишбилармонлик алоқалари, айниқса, Бизнес ҳамкорларнинг Давлат хизматчилари билан алоқалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш орқали Бизнес ҳамкорлар билан ҳамкорликда юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлашдан иборат.

Битим/ Шартнома - ишларни бажарадиган, товарларни етказиб берадиган ёки Жамиятга хизмат кўрсатадиган Бизнес ҳамкор иштирокидаги ҳуқуқий муносабатлар ёки чизма. Ушбу атама, шунингдек, Жамият номидан ёки унинг топшириғига кўра иш юритадиган Бизнес ҳамкор билан бўладиган ҳар қандай тижорат битимини англатади.

Скрининг - Бизнес ҳамкорни Риск факторлари мавжудлиги бўйича пухта текшириш.

Бизнес ҳамкорга нисбатан Комплаенс хизмати Жамиятнинг юридик бўлими ва бошқа манфаатдор таркибий бўлинмалари билан биргаликда, шартномада Бизнес ҳамкор фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларнинг ўзига хос турларидан ҳимоя қилишнинг қўшимча усулларини аниқ кўрсатиши кераклиги ёки керакмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, агар ижобий қарор қабул қилинса, кўрсатилган шартларни шартнома лойиҳасига киритиши мумкин. Боғланиш учун шахс ҳам шартнома лойиҳасида махсус қўшимча шартларни киритишни талаб қилишга ҳақлидир.

Жамиятнинг барча даражадаги раҳбарлари ўз ваколатлари ва ҳуқуқлари доирасида ушбу Процедурага риоя этилиши бўйича жавобгар ҳисобланади;

Жамият бошқаруви ушбу Процедурага риоя этилишини таъминлаш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олади ва ушбу Процедурани амалга ошириш ва йиллик амалга оширилиши назоратини ўтказиш учун жавобгардир;

Комплаенс хизмати ходими ушбу Процедурага риоя этилишини таъминлаш учун ваколатли шахс ҳисобланиб, Жамиятнинг барча даражаларида Процедуранинг бажарилишини таъминлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, қўшимча тавсияларни бериш, доимий мониторинг қилиш, зарур бўлганда ўзгартиришлар киритилишига жавоб беради;

ушбу Процедурадаги ҳар қандай истиснолар Комплаенс хизмати ходими билан келишилган бўлиши керак;

Комплаенс хизмати ушбу Процедура доирасида Бизнес ҳамкорлар билан мунтазам ўзаро ҳамкорликда бўлган ходимлар учун зарур тренингларни ишлаб чиқади ва ўтказади;

Жамиятнинг барча даражадаги раҳбарлари ҳамда Жамият ва Назорат остидаги корхоналарнинг ҳар бир ходими ушбу Процедурага риоя қилишлари шарт;

Жамиятнинг ички аудит хизмати Комплаенс хизмати ходимига ва Жамият бошқарувига ушбу Процедуранинг самарадорлиги ва амал қилиниши юзасидан мустақил кафолатларни бериши мумкин;

Ташқи хизматларни етказиб берувчиларни жалб қилиш учун мақбул деб ҳисобланиши мумкин бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

Бизнес ҳамкорни комплекс текшириш учун зарур ресурсларнинг йўқлиги;

махсус текширувни ўтказиш зарурати, чунки Бизнес ҳамкорнинг комплекс текшируви давомида ички ва ташқи экспертиза ўтказилишини талаб қиладиган Риск факторлари аниқланган;

ўз хоҳишига кўра ва зарурга қараб белгиланган тартибда текширишларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган Комплаенс хизматининг қарори.

Текширув натижалари тўғрисидаги хулоса чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Ички назорат тузилмаси бу ҳақидаги маълумотни Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

Бизнес ҳамкор (контрагент)ни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Комплаенс хизматида сақланади.

Комплаенс хизмати бўйича
бош мутахассис У.Султанбоев

Ходимлар ва иш юритиш
бўйича бош мутахассис С.Атаматова

Юридик бўлим бошлиғи Ш.Ражабов